

Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий кўрсаткичлари

2025 йил январь-март ойлари учун

- I Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумот
- II Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар
- III Кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари
- IV Кичик тадбиркорлик субъектлари транспорт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
- V Кичик тадбиркорлик субъектлари статистикаси бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумот

2025 йилнинг 1 апрель ҳолатига фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 1 212,4 мингтани, шундан, кичик корхона ва микрофирмалар сони 372,9 мингтани, ЯТТлар сони 258,0 мингтани, деҳқон хўжаликлари сони 431,6 мингтани, оилавий тадбиркорлар 6,0 мингтани, ҳунармандлар 22,0 мингтани ва импорт товарлари сотувчилар 1,0 мингтани ташкил этди.

Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони
(2025 йил 1 апрель ҳолатига, бирлик)

	Жами	шундан:	
		кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжалиқларини қўшган ҳолда)	ЯТТ, деҳқон хўжаликлари, оилавий тадбиркорлар, ҳунармандлар ва импорт товарлари сотувчилар ¹
Қорақалпоғистон Респ.	58 593	26 198	32 395
Андижон	131 685	31 811	99 874
Бухоро	83 229	32 118	51 111
Жиззах	55 218	23 717	31 501
Қашқадарё	97 442	38 651	58 791
Навоий	39 215	21 976	17 239
Наманган	90 229	28 594	61 635
Самарқанд	129 256	46 229	83 027
Сурхондарё	71 897	26 360	45 537
Сирдарё	34 254	14 737	19 517
Тошкент	96 142	44 135	52 007
Фарғона	119 910	43 977	75 933
Хоразм	78 773	27 553	51 220
Тошкент ш.	126 578	87 743	38 835

¹ Адлия вазирлиги тақдим этган расмий маълумотлар асосида тайёрланган

Фаолият юритаётган, юридик шахс ташкил этмаган тадбиркорлик
субъектларининг ҳудудлар бўйича сони
(2025 йил 1 апрель ҳолатига, бирликда)

	Жами	шундан:				
		Якка тартиб- даги тадбир- корлик	Деҳқон хўжалик- лари	Оилавий тадбир- корлар	Хунар- мандлар	Импорт товарлари сотувчилар
Қорақалпоғистон Респ.	32 395	15 804	15 140	524	922	5
Андижон	99 874	24 329	73 493	146	1 864	42
Бухоро	51 111	16 255	33 181	381	1 278	16
Жиззах	31 501	8 769	21 819	88	820	5
Қашқадарё	58 791	21 696	35 380	324	1 388	3
Навоий	17 239	6 812	9 963	45	415	4
Наманган	61 635	18 120	40 894	51	2 042	528
Самарқанд	83 027	27 090	52 970	588	2 357	22
Сурхондарё	45 537	15 804	28 746	146	832	9
Сирдарё	19 517	7 353	11 685	35	441	3
Тошкент	52 007	23 283	25 663	1 218	1 803	40
Фарғона	75 933	25 660	47 172	147	2 921	33
Хоразм	51 220	13 226	35 482	666	1 839	7
Тошкент ш.	38 835	33 800	28	1 668	3 045	294

Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳар 1000 аҳолига
нисбатан сони

2025 йил 1 апрель ҳолатига фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик
субъектларининг ҳар 1000 аҳолига нисбатан 32,2 бирликни ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектлари сони (ҳар минг аҳолига
нисбатан) энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида 40,6 бирлик, Бухоро вилоятида
40,0 бирлик, Хоразм вилоятида 38,7 бирлик ва Андижон вилоятида 38,0 бирликка
ташкил этди.

II. Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар

2025 йилнинг январь-мартида 19,2 мингта янги кичик корхона ва микрофир-
малар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди.

2025 йилнинг январь-мартида иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп
кичик корхона ва микрофирма савдо соҳасида 7 253 та, қишлоқ, ўрмон
ва балиқчилик хўжалигида 2 631 та, бошқа хизматларда 2 571 та, саноатда
2 310 тани ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 1 618 тани ташкил
этган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони](#)
[Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони \(ойлик\)](#)
[Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони \(йиллик\)](#)

III. Кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши динамикаси

2025 йилнинг январь-мартда ЯИМ таркибда кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 45,6 % ни ташкил қилиб, 2024 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўзгаришсиз қолди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши динамикаси



Иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши

2025 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги иқтисодий фаолият турлари бўйича энг юқори улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 96,0 %, қурилишда 79,9 %, хизматлар соҳасида 44,8 % ва саноатда 21,9 % ни ташкил қилди.


Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами ЯИМдаги улуши \(чораклик\)](#)

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган саноат ишлаб чиқариши фаолияти

2025 йил январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 59 483,3 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ёки саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 28,1 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2024 йил январь-март ойларида нисбатан 113,6 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат ишлаб чиқариши ҳажми ва жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши динамикаси



Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Кичик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари \(хизматлари\) ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари \(хизматлари\)даги улуши](#)

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган қурилиш фаолияти

2025 йил январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми 39 264,3 млрд сўмни ёки қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 78,1 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2024 йил январь-март ойларига нисбатан 106,0 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ишлари ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши динамикаси



Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Кичик тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ишлари ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами қурилиш ишларидаги улуши](#)

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган инвестиция фаолияти

2025 йил январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 72 747,9 млрд сўмни ёки умумий ҳажмидаги улуши 60,4 % ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2024 йил январь-март ойларига нисбатан 122,7 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши динамикаси



Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий капиталга киритилган инвестициялари ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуши](#)

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги фаолияти

2025 йил январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигидаги ҳажми 50 466,9 млрд сўмни ёки умумий ҳажмидаги улуши 95,7 % ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2024 йил январь-март ойларига нисбатан 103,5 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан етиштирилган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулоти ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши динамикаси



Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Кичик тадбиркорлик субъектларининг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларини \(хизматларини\) ишлаб чиқариш ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами қишлоқ ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларини \(хизматларини\) ишлаб чиқаришдаги улуши](#)

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган чакана савдо фаолияти

2025 йил январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг чакана савдо айланмаси ҳажми 74 541,9 млрд сўмни ёки умумий ҳажмининг 82,5 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2024 йил январь-март ойларига нисбатан 108,4 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари чакана савдо айланмасининг ҳажми ва жами савдо айланмасидаги улуши динамикаси



Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо айланмаси ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами чакана савдо айланмасидаги улуши](#)

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган хизматлар фаолияти

2025йил январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг хизматлар соҳасидаги ҳажми 113 910,5 млрд сўмни ёки умумий ҳажмининг 54,0 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2024 йил январь-март ойларига нисбатан 108,8 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши динамикаси



Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Кичик тадбиркорлик субъектларининг кўрсатилган хизматлар ҳажми \(чораклик\)](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами кўрсатилган хизматлардаги улуши \(чораклик\)](#)

Кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолияти

2025 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажми 2,0 млрд АҚШ долларини ёки умумий экспорт ҳажмининг 24,9 % ини ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) экспорти ҳажми ва жами экспорт ҳажмидаги улуши динамикаси



Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот \(ишлар, хизматлар\) экспорти ҳажми](#)

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами маҳсулот \(ишлар, хизматлар\) экспортидаги улуши](#)

Кичик тадбиркорлик субъектларининг импорт фаолияти

2025 йилнинг январь-мартида кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) импортининг ҳажми 4 663,9 миллион АҚШ долларини ёки жами импортнинг 50,7 % ини ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) импорт ҳажми ва жами ҳажмидаги улуши динамикаси



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот \(ишлар, хизматлар\) импорти ҳажми](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами маҳсулот \(ишлар, хизматлар\) импортидаги улуши](#)

IV. Кичик тадбиркорлик субъектлари транспорт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари


2025 йилнинг январь-мартида автомобиль транспортида юк ташишнинг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 50,3 % ни ташкил этди. 2024 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 106,0 % ни ташкил қилди.

2025 йилнинг январь-мартида, автомобиль транспортида юк айланмасининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 76,1 % ни ташкил этган бўлиб, 2024 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 108,0 % ни ташкил қилди.

2025 йилнинг январь-мартида, автомобиль транспортида йўловчи ташиш хизматларининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 89,1 % ни ташкил этиб, 2024 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 103,5 % ни ташкил қилди.

2025 йилнинг январь-мартида, автомобиль транспорти йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 94,8 % ни ташкил этиб, 2024 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 102,9 % ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами транспорт фаолиятларидаги улушлари динамикаси





Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кичик тадбиркорлик субъектларининг юк ташиш ҳажми](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами юк ташишдаги улуши](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг юк айланмаси ҳажми](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами юк айланмасидаги улуши](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг йўловчи ташиш ҳажми](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами йўловчи ташишдаги улуши](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг йўловчи айланмаси ҳажми](#)
[Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами йўловчи айланмасидаги улуши](#)

V. Кичик тадбиркорлик субъектлари статистикаси бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Кичик бизнеснинг тармоқлар бўйича улушини шакллантириш тармоқ бошқармаларининг тегишли низомлари асосида амалга оширилади.

Қоидаларга мувофиқ кичик тадбиркорлик ривожланишининг асосий кўрсаткичлари яқка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги нархларда амалга оширилади. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳажмлар ўзгариши нарх индекси ўзгаришларини инобатга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Метамаълумот учун ҳавола:

<https://stat.uz/files/349/METAMALUMOTLARuz/2977/Korxonalar-va-tashkilotlar-soni.pdf>
<https://stat.uz/files/349/METAMALUMOTLARuz/1918/Kichik-biznes-korsatkichlari.pdf>
<https://stat.uz/files/349/METAMALUMOTLARuz/1917/Kichik-biznesning-tarmoqlar-bo-yicha-ulushi.pdf>

Тайёрлаш учун масъул:
Тадбиркорлик субъектларини
кузатув бошқармаси

Ижрочи:
Ш. Ахмедов
71 203-80-00 (1145)

Манзил:

